

ДАЛА ЧЕТЛАРИ ТУТ КЎЧАТЛАРИ ЭКИЛМОҚДА



Олтинсой туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан фермер хўжаликлари ҳамда аҳоли хонадонларида "Яшил макон" дастури доирасида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиши ташкил этилмоқда

Айни кўклам нафаси уфуриб турган шу кезларда "Яшил макон" лойиҳаси доирасида туманимиздаги маҳаллаларда ва 1-сектор ҳудудидаги фермер хўжаликларининг дала майдонлари четларига турли мевали дарахтлар кўчатлари экилиб, янги боғ-роғлар яратиш тадбирлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.